Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 13 (8.597) ◆ 1995 йил ◆ 30 январь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

❑ Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоятлари Кенгашларининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 18 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

❑ Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида Фарғона политехника институти олимларининг тавсиясига биноан янги маҳсулот — ацетамизол ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозиргача бу ноёб маҳсулот хорижий мамлакатлардан келтирилар эди.

❑ 28 январь куни Вазирлар Маҳкамасида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Ўтган куни республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг пленуми бўлди. Унда амалга оширилган ишлар ва бажарилиши зарур бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

❑ 28 январь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёзувчи Владимир Иванович Тюриков туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган тадбир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёзувчига йўллаган табрикномасини ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев В. И. Тюриковга топширди.

❑ Навоий тоғ-металлургия комбинати, «Навоийазот» бирлашмаси, Электрокимё ҳиссадорлик жамияти ва электр алоқалари вилоят бошқармасида Японияннинг дунёга машҳур «Мицуи» компанияси вакиллари бўлдилар. Бу учрашувларда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

❑ Термиз туманида гилам, трикотаж ва тикувчилик буюмлари тайёрлашга ихтисослаштирилган «Турон» ўзбек-турк қўшма корхонаси ўзининг дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Россия Федерациясига ташрифи якунларига бағишланган матбуот конференциясида МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашуви 10 февралда Алматида ўтказилишини айтди. Учрашувни ўтказиш муддати тўғрисида Қозоғистон давлати раҳбарининг Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан учрашув пайтида келишиб олинди.

❑ Ўтган куни Россия, Беларусь ва Қозоғистон Бош вазирларининг Москвада ёпиқ эшиклар ортидаги учрашуви бўлиб ўтди.

❑ Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси Виктор Черномирдин чечен оқсоқоллари вакиллари — Чеченистон муфтилигининг аъзолари билан учрашди. Учрашувда Чеченистон ҳудудида тезроқ тинчлик ва ҳуқуқ-тартиботини тиклаш хусусида сўз борди.

❑ Бутун дунёда ўз саховати ва меҳр-мурувватти билан машҳур бўлган шаҳзода Оғахон ҳазратлари Москвага амалий ташриф билан келиб Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси Виктор Черномирдин ва унинг бир неча ўринбосарлари билан учрашди. Учрашувда Шимолий Кавказ минтақасидаги можаролар пайтида азият чеккан кишиларга саховатпешалик кўрсатиш ҳақида сўз борди.

❑ Грузиянинг собиқ мудофаа вазири Георгий Каркарашвилининг 25 январь куни бўлган қўпорувчилик ҳаракати пайтида олган оғир жароҳатлари даволовчи шифокорларнинг фикрига қараганда эндликда унинг ҳаётига жиддий хавф солмаяпти. У ҳушига келди, операция қилинганича йўқ, лекин шифокорлар унинг жарроҳлик столига ётқизилиш эҳтимоли борлигини ҳам айтмоқдалар.

❑ Кеча Москвада МДҲ чемпионлари кубоги учун мусобақалар бошланди. Унда қатнашаётган Бухоронинг «Нурафшон» командаси «Флора» (Таллинн) командаси билан учрашди. Бугун бухороликлар Донецкнинг «Шахтёр» командаси билан беллашади.

ХОРИЖДА

❑ Ҳиндистоннинг энг нуфузли халқаро марказларидан бирида Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонаси, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси, маданий алоқалар бўйича Ҳиндистон Кенгаши, «Ўзбектуризм» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий компаниялари иштирокида ва ҳамкорлигида «Ўзбекистон кечаси» ўтказилди.

❑ АҚШ ва Украина ўзаро ҳаво йўли орқали қатновни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

❑ АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюросининг хабарига қараганда мамлакат аҳолиси 261 миллион кишига етди. 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 276, 2050 йилда эса 392 миллион кишига етади.

❑ Халқаро валюта жамғармаси Мексикага 7 миллиард 700 миллион доллар беришга, бу билан Мексика песосининг қадри тушиб кетганлиги муносабати билан унга мадад кўрсатишга қарор қилди.

❑ Аввал хабар қилганимиздек, 27 январь куни кечаси Бангкок шаҳрида Осиё чемпионлари кубоги ярим финал учрашувида Фарғонанинг «Нефтчи» командаси Таиланд чемпиони билан учрашди. Асосий вақтда ҳисоб 2:2 бўлди, қўшимча вақтда ҳисоб ўзгармади. Ўн бир метрлик жарима тўпларини тепишда эса омад майдон эгаларига кулиб боқди. Кеча фарғоналиклар учинчи ўрин учун курашиш мақсадида майдонга тушдилар.

ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР — ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР — ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВОСГА ЖЎНАБ КЕТДИ

27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Умумжаҳон иқтисодий анжуманининг анъанавий учрашувида қатнашиш учун Швейцариянинг Давос шаҳрига жўнаб кетди.

Давос шаҳрида кўпдан буён жаҳондаги энг кўзга кўринган иқтисодчилар, сиёсатчилар, ишбилармонлар, йирик компаниялар раҳбарлари ва олимлар тўпланади, — деди мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистлар билан суҳбатда, — анжуман Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётган давлатлар раҳбарлари, йирик компаниялар вакиллари билан учрашиш имконини беради. Мақсадимиз уларни мамлакатимизга кўпроқ жалб этиш, тенг манфаатли алоқалар ўрнатиш, иқтисодиётимизга катта сармоялар олиб келишдир. Давос учрашувлари нафақат иқтисодий анжуман йиғини, балки сиёсий кенгаш ҳамдир. Чунки бу ерда 30 дан ортиқ давлат раҳбарлари тўпланадилар. Биз у ерда иқтисодий масалалар билан бирга, энг долзарб сиёсий масалалар ҳақида ҳам фикрлашиб олмоқчимиз.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

ХИЗМАТ ТУРИ КЎПАЯДИ

«Юлдуз» шахсий фирмасининг кўрсатаётган хизматидан аҳоли миннатдор бўлмоқда. Улар асосан қурилиш ишлари билан банд бўлиб, пардозлаш юмушларини ҳам аъло даражада адо этишаётир.

— 1992 йилда ташкил топган ушбу фирмамизда айни вақтда 11 киши меҳнат қилмоқда,— дейди фирма бошлиғи Александр Хаджаян.— Дастлабки вақтларда қурилиш материаллари таъминоти билан ҳам шуғулланар эдик. Ҳозир кўпроқ буюртма асосида пардоз ишларини бажаряпмиз. Семашко номли шифохона ва Тошкент вилояти банкини таъмирлаш ва пардозлашда бор маҳоратимизни ишга солдик. Айниқса Гена Галиакбаров, Учқун Қодиров, Рашид Бекқуловлар бу ишда алоҳида ўрнак кўрсатишди. Мақсадимиз тадбиркорлик билан иш тутиб, бундан кейин ташкил топаётган шахсий корхоналарга ва уз маблағлари ҳисобига уй-жой қураётган фуқароларга яқиндан ёрдам беришдан иборатдир.

Гулнора МАЖИДОВА.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги дамларида ишлаб чиқариш ва тикувчилик корхоналарида маҳаллий хом ашёдан тўла фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бунда ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулотга қўшимча кўрпа ва ёстиқ жилдлари, эркаклар ва аёллар ички кийимлари шулар жумласидандир.

«Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари маҳаллий саноат корхоналарида тайёрланган хом ашё билан бирга Ҳамдўстлик давлатларидан келтирилган хом ашёлардан ҳам чиқитсиз фойдаланишмоқда. Янги андозалари тасдиқланган эркаклар плашини корхонанинг 6-цехида тикиш режалаштирилди. Бу цехда 95 нафар ишчи меҳнат қилади. Улар энг юқори сифатли маҳсулотларни чегаралган миқдорда тикиб беришади. Бу цехдан Германиянинг «Дюркон Адлер» фирмасида тайёрланган тикув дастгоҳлари ўрин олган.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

ЯНГИ БИНОЛАР ШАҲРИМИЗ КЎРКИ

Яқинда ҳамшаҳарларимиз Сергели туманида қурувчилардан яна бир совға олишди. Гап шундаки, туманнинг «Сергели-5» мавзесида 9 қаватли уй қуриб битказилди. Бинода бунёдкорлик ишларини «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 1-уйсозлик комбинати қурувчилари ниҳоясига етказишди.

Айни пайтда 64-рақам билан номланган уйга кўчиб кираётган хонадон эгалари мамнун. Чунки уйсозлар умумий сатҳи 3 минг 41 метрни ташкил этган мазкур турар жой биносини қуришда унинг сифатли чиқишига алоҳида эътиборни қаратишди. Натижада уй яхши баҳо билан фойдаланишга топширилди.

36 хонадонга мўлжалланган бинода пардозлаш ишларини ҳам юқоридаги комбинат қурувчилари олиб боришди.

Ғулом ЮСУПОВ.

«Паризод» ҳиссадорлик жамияти ишчилари кийимларнинг бежирим бичилишига эришиб, сифатли кўйлаклар тайёрлаб чиқаришмоқда.

СУРАТЛАРДА: бичувчилар Дилбар Хўжаева, Маъмура Олимова ва Наргиза Мамарасуловалар.

Козим Ўлмасов олган сурат.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

1995 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси Қ. Аҳмедов бошқарди.

Комиссия 1994 йил 25 декабрда бўлган сайловда ва 1995 йил 8 январда бўлган қайта овоз беришда овозга қўйилган номзодларнинг бирортаси Олий Мажлис депутатлигига сайланиш учун сайловчилар овозининг зарур кўпчилигини ололмаган 7 та сайлов округида шу йил 22 январь куни бўлиб ўтган такрорий сайлов якунларини кўриб чиқди.

Такрорий сайловда 326 минг 512 киши иштирок этди, бу мазкур сайлов округларида рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг 91,6 фоизини ташкил этади. Бухоро вилоятидаги сайлов округида сайловчиларнинг 98 фоизи, Сурхондарё вилоятидаги учта сайлов округида 91,4 фоизи, Фарғона вилоятидаги бир сайлов округида 92,4 фоизи ва Қорақалпоғистон Республикасидаги иккита сайлов округида 88 фоизи овоз берди.

7 та сайлов округининг ҳаммасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатлар сайланди: икки депутат Халқ демократик партиясидан, икки депутат «Ватан тараққиёти» партиясидан ва уч депутат маҳаллий ҳокимият органларидан сайланди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган протоколлар ва бошқа зарур ҳужжатларни кўриб чиқиб, такрорий сайлов натижасида сайланган Олий Мажлис депутатларининг ҳаммасини рўйхатга олди. Шу тариқа Ўзбекистон Республикасининг ваколатли ва қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи — 250 депутатдан иборат биринчи чақириқ Олий Мажлис депутатларини сайлаш ниҳоясига етди. Халқ демократик партиясидан 69 депутат, «Ватан тараққиёти» партиясидан 14 депутат ва маҳаллий ҳокимият органларидан 167 депутат сайланди.

Олий Мажлис биринчи сессияси биринчи мажлисини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлисини 1995 йил 23 февралда Тошкент шаҳрида чақиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларидан кўрсатилган Олий Мажлис депутатларининг таклифига кўра сессия кун тартибининг лойиҳасини ва бошқа ҳужжатларни тайёрловчи ишчи гуруҳи тузилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ҚАРДОШЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча «Баҳор» концерт залида Украина ва Беларусь маданият марказлари ташкил этилганининг бир йиллиги муносабати билан катта мусиқий тадбир ўтказилди. Ушбу тадбир Муҳиддин Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясининг шаҳримизда ташкил этилган барча маданият марказларига атаб ўтказилажак туркум мусиқий дастурнинг илк намунасидир. Тантанада давлат камер оркестрининг яккахонлари Владимир Крюков, Саодат Холхўжаева, Андрей Петровцев каби хонандалар, оперетта театри артистлари ўзбек, украин ҳамда беларус халқларининг қўшиқ ва рақсларини ижро этдилар.

Нигора ЎРМОНОВА.

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

27 январь куни республика Марказий банкида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда мамлакатимизда ишлаётган хорижий журналистлар учун матбуот конференцияси уюштирилди. У Халқаро валюта фонди ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишларга бағишланди. Матбуот конференциясини Республика Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Б. Ҳамидов бошқарди.

Маълумки, 25 январда Халқаро валюта фондининг ижроия кенгаши республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан муфассал танишгач, тизимли туб ўзгаришлар механизми доирасида Ўзбекистон ҳукуматининг макроиқтисодий барқарорлаштириш ҳамда 1995 йилга мўлжалланган тизимли ислоҳотлар дастурини маъқуллаган эди. Уни қўллаб-қувватлаш мақсадида 74 миллион доллар миқдорида заём ажратишга аҳд қилди. Журналистлар республика ҳукуматининг ушбу маблағдан унумли фойдаланиш билан боғлиқ тадбирлари тўғрисида маълумот олдилар.

Анжуманда республика Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов, Халқаро валюта фондининг Ўзбекистондаги доимий вакили жаноб Иштван Салкаи, Умумжаҳон банкининг минтақавий ваколатхонаси раиси Парвез Ҳасан журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

МАҲАЛЛАДА НОВВОЙХОНА

Мирзо Улуғбек туманидаги «Оққўрғон» маҳалласида аҳоли учун қатор қулайликлар яратилди. Сартарошхона, гўшт дўкони, чойхона қурилиб ишга туширилди. Бозорчаларга расталар ўрнатилди.

Яқинда оққўрғонликлар яна бир қулайликка эга бўлдилар. Бу ерда миллий нонлар тайёрловчи новвойхона очилди. Новвойлар тайёрлаётган бўрсилдоқ нонлар маҳалла аҳлига манзур бўляпти. Шунингдек, маҳалла ҳудудида жойлашган идора ва муассасалар ходимларининг миллий нонларга бўлган талабини қондириш имкони яратилди.

Мастура МУҲАМЕДОВА.

ЖАМҒАРМА ҲИСОБИДАН

Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Сархумдон» маҳалласида кам таъминланган оилаларга яқиндан ёрдам бериш доимо диққат марказда. Яқинда маҳалла оқсоқоли Акбарҳожи Асқаров ташаббуси билан маҳалла жамғармаси ҳисобидан 25 хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари ва пул берилди. Бундан ташқари, маҳалла комитетига ёрдам сўраб келганлар ёғ, чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан имкони борича таъминлаб турилибди.

Дамира ЗАРИПОВА.

ЎЗГАРТИШ КИРИТИЛДИ

Харидоргир маҳсулотни кўпроқ ва сифатлироқ қилиб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган «Ўзмеда» ўзбек-хитой тикувчилик қўшма корхонаси шу кунларда тикиб чиқарилаётган янги андозаларига ўзгартишлар киритишди. Фирмалардаги ишбилармонлар кўмаги ёрдамида республикамизга келтирилган драп ва жун матосидан болалар учун комбинизон, курткалар, шимлар ва костюмлар тикиб чиқариш бошланди. Февраль ойидан бошлаб бу маҳсулотлар ўз харидорларига жўнатилади. Дастлабки маҳсулот уч хил турдан иборат бўлиб, 120 донани ташкил этади.

Бундан ташқари корхона ўз маҳсулотлари учун сертификат олишга ҳам астойдил ҳаракат қилаётир.

Гулзода МАМБЕТОВА.

МУСИҚАЛИ САҲНА АСАРИ

Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театри жамоаси бу йил ҳам қатор замонавий мавзулардаги саҳна асарларини томошабинлар эътиборига ҳавола этадилар. Чунончи, «Башорат» мусиқали драмаси шулар жумласидандир. Асар мусиқасини бастакор Султон Ҳайитбоев ёзган. Мазкур қизиқарли томошани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев саҳналаштирган.

— «Башорат»нинг саҳнавий талқини асосан тайёр, — деди театр директори Абдушукур Шоумаров. — Шу кунларда ижодий жамоамиз энг сўнгги тайёргарлик ишларини поёнига етказиш арафасида турибди. Асарни февраль ойининг бошларида томошабинларга тақдим этиш мўлжалланмоқда. Унда асосий ролларни Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов, республикада хизмат кўрсатган артист Наима Пўлатова, Рустам Маъдиев, Одина Назруллаева ва Равшан Солиҳов каби иқтидорли актёрлар ижро этишади.

Зафар ТУРҒУНОВ.

УЧ КОРХОНА БИРЛАШДИ

1995 йил Тошкент «Миконд» заводи меҳнаткашлари учун тарихий бўлиб қолди. Гап шундаки, куни кеча корхонани хусусийлаштириш ҳақида низом қабул қилиб, шу пайтгача «Миконд» сингари уч йирик заводни ўзида бирлаштирган «Оникс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бундан буён «Оникс» ҳиссадорлик жамияти деб аталадиган бўлди. Бу низом 200 дан ортиқ, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини қўллаб-қувватлаш қўмитасидан вакиллар иштирок этган меҳнат жамоасининг таъсис конференциясида ўқиб эшиттирилди ва кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Конференция қатнашчиларини турли саволлар бериб, жумладан, бирлашманинг Самарқанд ҳамда Андижон шаҳарларидаги бўлимларининг янги жамиятдаги аҳволи билан қизиқдилар.

Низомда кўрсатилишича, жами акцияларнинг 51 фоизини жамоанинг ўзи сотиб олди. Қолган 49 фоизи эса Давлат мулкини қўллаб-қувватлаш қўмитасига замонавий чет эл сармояларини олиб келишга ҳамда биржа тармоқлари орқали сотишга ажратилди.

Назрулла ҲАМРОЕВ.

АЖИБ ДАМЛАР ТАРОНАСИ

Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Дурдона» ашула ва рақс дастаси ўзининг янги концерт дастурини «Ажиб дамлар» деб номлади ва мухлислар эътиборига тақдим этди. Истиқлолга юз тутиб, дадил одим ташлаётган ёш мамлакатимиз, унинг меҳнаткаш кишилари, илҳом ва ижод билан ёниб яшаётган халқимиз таннум этилган дилга яқин қўшиқлар бастакорларнинг янги куй ва яллалари, Ватан, ёшлик мадҳ этилган шўх-шодон тароналар концертнинг янада кўтаринки руҳда чиқишига омил бўлган. Даста иштирокчиларидан Ғузалхон Ғанибоева, Турсуной Пирматова, Нодирахон Абдуллаева, Аҳмаджон Эгамбердиев, Салоҳиддин Муслимовлар талқинидаги қўшиқлар барчага манзур бўлмоқда. Дастурни ансамблнинг бадиий раҳбари Музаффар Мирмуҳаммедов саҳналаштирган. Томошадаги мафтункор рақсларни эса Раҳимахон Орифжонова саҳнага олиб чиққан.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ГЕОЛОГЛАРГА ҚУРИЛМА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг хўжалик ҳисобидаги ҳисоблаш техникаси ва автоматик лойиҳа чизмачилиги бюросида яратилган янгилик геологлар эътиборини тортса ажаб эмас. Олимлар ер ости сувларидаги родон миқдорини ҳисобга олувчи автоматик қурилмани яратишди. Бу қурилма технологик ва геологик тажриба участкаларида қўлланиши мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, у газ мажмуи, суюқлик ва тоғ жинслари таркибидаги родон миқдорини аниқлаш имконини беради.

Дилдора РАИМОВА.

«КЎКЧА»ЛИК АЁЛЛАР УЧУН

Пойтахтимиздаги «Кўкча» маҳалласи аёллари учун яна бир қулайлик яратилди. «Левентуль» ишлаб чиқариш концерни томонидан кичик корхона ташкил этилиши кўплаб уй бекаларини иш билан таъминлади.

Айниқса, ишчи аёлларнинг уй шароитидан келиб чиқиб, қисқартирилган иш куни жорий этилиб, касаначалик йўлга қўйилгани диққатга сазовордир.

Чеварлар тикаётган дастрўмол, хотин-қизлар халатлари ва бошқа буюмлар нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки хорижликларга ҳам манзур бўлмоқда.

Дилбар ЗИЁЕВА.

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР — ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР — ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР — ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМ БЎЛАЙЛИК

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси

Аввал хабар бериб ўтилганидек, 25 январь куни биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни 23-Мирзо Ғолиб сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати, Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. ТЎЛАГАНОВ очди.

ХАЛҚ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши мандат комиссиясининг раиси Ф. Л. Маликов 1995 йил 8 январда ўтказилган такрорий овоз бериш пайтида сайланган депутатларнинг ваколатларини тан олиш тўғрисида ахборот билан сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг мақоми тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасига биноан сессия 1995 йил 8 январда ўтказилган такрорий овоз бериш пайтида сайланган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 11 нафар депутати ваколатларини тан олди.

"ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1995 йил 18 январдаги кенгашда сўзлаган нутқидан шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари, шаҳар Кенгаши депутатлари учун келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида" Тошкент шаҳар ҳокими **К. Н. Тўлаганов** маъруза қилди.

У, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган кенгашда вилоят, туман кенгашлари ва Тошкент шаҳар Кенгаши дастлабки ташкилий сессияларининг якунлари,аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақидаги масалалар муҳокама қилинганлигини таъкидлади.

И. А. Каримовнинг кенгашда сўзлаган нутқида таъкидланганидек, республикада Олий Мажлисга ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар биринчи бор демократик муқобиллик асосида ўтди. Бу эса муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада мустаҳкамлади.

Бўлиб ўтган сайловлар давлатимиз ҳаётида янги босқич бошланганлигини акс эттиради, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам замин яратади.

Умуман республикада бўлганидек Тошкент шаҳридаги сайловларда депутатлик мандатлари учун учта ижтимоий-сиёсий куч — Халқ демократик партияси, фуқароларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва "Ватан тараққиёти" партиясидан номзодлар кураш олиб бордилар. Уларнинг энг муносиблари халқнинг юксак ишончини қозониб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати бўлдилар. Шаҳар Кенгашига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 31 депутат сайланди. Халқ демократик партиясининг вакиллари 27 та депутатлик мандатини олдилар. Шаҳар Кенгашида янги сиёсий партия—"Ватан тараққиёти"дан ҳам вакиллар бор.

Шаҳар ва туманларнинг ҳокимларига, шаҳар ҳокимининг ўринбосарларига юксак ишонч билдирилди. Шуни айтиш кифояки, Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур ва Яккасарой туманларининг ҳокимлари Олий Мажлисга, қолган туманларнинг ҳокимлари эса шаҳар кенгашига сайландилар.

Туманларнинг ҳокимлари, ҳар биримиз халқ ишончини, Республика Президенти ишончини оқлаш учун бутун куч-ғайратни сарфлаши зарур. Бу нарса ҳар бир раҳбар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. 1995 йилнинг дастлабки кунлариданоқ дарҳол аниқ ишларга киришиб, катта қурилиш дастурини бажаришимиз, истеъмол бозорини кундалик зарурий маҳсулотлар билан тўлдириш учун шошилинч чоралар кўришимиз, бошланган ислоҳотларни давом эттиришимиз, шаҳримиз ободончилигини янги даражага кўтаришимиз, шаҳар йўловчи транспорти ва телефон алоқаси ишини яхшилашимиз лозим.

Бир сўз билан айтганда, ҳокимликлар, шаҳар кенгашининг доимий комиссиялари, барча депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Доимий комиссияларнинг, барча халқ ноибларининг вазифаси барчанинг ва ҳар бир кишининг куч-ғайратини олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этишга қаратишдан иборатдир. Бу бизнинг биринчи галдаги мақсадимиздир, бу мақсадни амалга ошириш ишига барча депутатлар жалб этилиши зарур. Бу мақсадга турли йўллар билан эришиш мумкин. Энг муҳими эса депутатлар орасида лоқайдлар бўлмаслиги, улар белгиланган мақсадга эришиш йўллари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини эркин айтишлари керак. Турли мулоҳазаларни муҳокама қилиш натижасидаги мақсадга эришишнинг энг мақбул йўли топилиши мумкин. Демак,баҳслашишдан, ўз фикрини айтишдан, таклифлар киритишдан тортинмаслик лозим.

Кўп нарсалар туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар, концернлар, шаҳар ҳокимлигининг бошқа бўлимлари раҳбарларининг билимдонлиги ва масъулиятига боғлиқ бўлади. Ўтган сессияда барча туманларнинг ҳокимлари, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик бош бошқармалари ва етакчи бўлимларининг раҳбарлари тасдиқланди. Уларнинг ҳаммаси каттагина иш тажрибасига эга бўлиб, ишнинг кўзини биладиган меҳнатсевар кишилардир. Аммо шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳар бир раҳбар бугун эришилган даражада тўхтаб қолмаслиги, балки давлатимиз ҳаётидаги ўзгаришларни сергаклик билан пайқаб олиши ва шу ўзгаришларга мувофиқ иш тутиши керак. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов кенгашда таъкидлаганидек, "Керак бўлса дунёқарашни ўзгартириши, фаолиятини бугунги кун мезонларига мослаб ташкил этиши шарт. Акс ҳолда у замон талабларига жавоб беролмайди, охир-оқибатда аравадан тушиб қолади".

Туман ҳокимлари эндиликда 1995 йилда шаҳар ва туманлар олдида турган катта ва муҳим вазифаларни бажаришга қурби етадиган одамларни тўплашлари зарур. Бу йилги ҳаракатлар дастури барча йўналишлар бўйича шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланиб, барча дахлдор идораларга юборилди ва энди биз ҳар бир кишидан амалий иш кутаяпмиз ва талаб қиламиз.

Биз етарли даражада талабчанлик қилаётган, майда хўжалик ишлари билан ўралишиб қолиб, ободончилик, бозорни зарур моллар билан тўлдири ш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш соҳасидаги кенг кўламли вазифаларни ҳал этмаётган ходимлардан ҳоли бўлишимиз керак. Республика Президенти И. А. Каримов бир неча бор таъкидлаганидек, "Халқ етакчиси бўлган ҳар бир раҳбарнинг энг муқаддас бурчи — одамларга ғамхўрлик қилиш, уларни бирлаштириш, сиёсатимиз — эзгу мақсадларимиз йўлида жипслаштиришдан иборатдир".

Фаолиятимизга ана шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларида ҳамма зарур ва имкони бўлган ишларни қилдик, деб айтолмаймиз. Шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳам, туман ҳокимликлари, "Озиқ-овқат" акционерлик жамияти,"Саноат моллари" акционерлик жамияти, "Тошкентшаҳармевасабзавотсаноат" акционерлик жамияти, "Тошширкатбозорсавдо" акционерлик жамияти томонидан ҳам шаҳарни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётир. "Озиқ-овқат" ва "Саноат моллари" акционерлик бирлашмалари озиқ-овқат ва саноат молларининг турлари бўйича марказлаштирилмаган тарзда харид қилиш топшириғини бажармадилар. Ўтган йилда вужудга келган аҳвол натижасида бутун йил давомида кўпчилик дўконларда аҳолини меъёрланган озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашда узилишлар бўлиб турди.

Шу йил январь ойида аҳолига молларни меъёрланган тарзда сотиш тартиби бекор қилинган эди. Аммо айрим чакана савдо шохобчаларидаги савдо корхоналарининг кундалик зарурий истеъмол моллари билан таъминланиши 6 январда текшириб кўрилганида биз аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга тайёр эмаслигимиз маълум бўлди. Кўздан кечирилган 70 та дўконнинг шу куни озиқ-овқатлар билан таъминлаши умуман 62 фоизни ташкил қилди. Аҳвол Юнусобод туманида ва Ҳамза туманида бирмунча яхши бўлиб чиқди. Мирзо Улуғбек туманида, Миробод туманида вазият айниқса ёмонлиги аниқланди.

Текшириш ўтказилган кунда кўздан кечирилган дўконларнинг ярмидан кўпроғида қанд-шакар, ҳар учтасидан биттасида ўсимлик ёғи, кир совун, ҳар бештасидан биттасида макарон маҳсулотлари йўқ эди. Бу мисоллар ҳақиқатан ҳам кишининг асабига тегади. Бинобарин, аҳолининг ана шундай савдо корхоналари ходимларидан ва туманларнинг раҳбариятидан ранжиётганлари ўринлидир. Бундай вазият вужудга келганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Сўнгра К. Н. Тўлаганов таъкидладики, шаҳар ҳокимлиги аҳолини кундалик зарурий моллар билан таъминлаш соҳасидаги вазиятни пухта ўрганиб, аксарият аҳолининг истакларини ҳисобга олиб, аҳолига тўрт турдаги молни — ун, ўсимлик ёғи, қанд-шакар ва кир совунни меъёрланган миқдорда сотиш тартибини вақтинчалик сақлаб қолиш ҳақида тегишли қарор қабул қилди. 1994 йилда оиланинг ҳар бир аъзосига амалда бўлган меъёрлар вақтинчалик сақлаб қолинди. Ҳокимлик ушбу қарори билан савдо ташкилотларининг барча раҳбарларидан савдода доимо ун, макарон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, қанд-шакар, чой, туз, кир совун ва гугурт албатта бўлишини таъминлашни талаб қилди. Бу тартиб бузилган ҳолда энг қатъий чоралар кўрилади. Мазкур молларнинг республика ташқарисига олиб чиқиб кетилиши эса қатъиян тақиқланади.

Маърузачи таъкидладики, бу йилги мўлжалга биноан шаҳар саноатида истеъмол моллари ишлаб чиқариш 4,6 миллиард сўмликдан ошади ёки ўтган йили эришилган даражага нисбатан 4 фоиз кўп бўлади.

1995 йилнинг бошиданоқ шаҳар ҳокимининг қарорига биноан экспорт молларини етказиб беришни кенгайтириш, Тошкент иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш тадбирлари белгиланди. Бу йил учун молларни экспорт қилиш юзасидан махсус дастур тасдиқланди. Бу дастурда корхоналар ва туманлар бўйича аниқ топшириқлар белгиланди. 1995 йилдаги мўлжалга кўра 806 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинади.

Шу йилнинг биринчи ярмида Тошкентда ўтказиладиган дастлабки улгуржи-чакана савдо ярмаркасининг асосий мақсади янги ишлаб чиқариш алоқаларини йўлга қўйиш, ўзаро фойдали шартлар асосида хом ашё, ускуналар ва ишлаб чиқариш техника маҳсулотлари етказиб бериш учун буюртмалар мажмуасини шакллантиришдан иборат. Тошкент шаҳар халқаро бизнес маркази ярмарканинг ташкилотчиси этиб тайинланди, ярмаркани ўтказиш ташкилий комитетининг таркиби тасдиқланди.

Илгариги сессияда истеъмол бозорини тўлдиришда кичик ва қўшма корхоналар, бошқа тижорат ташкилотлари муҳим роль ўйнаши ҳақида гапирилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони айни шу муддаога қаратилган. Қанчалик кўп аҳоли тадбиркорлик соҳасига жалб этилса, ишлаб чиқариш соҳасида ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнеснинг роли шунчалик юқори бўлади, Тошкентнинг иқтисодий имконияти шунчалик ортиб боради, шаҳарнинг ижтимоий ва бошқа муаммолари муваффақиятли ҳал этилади.

Тошкентда тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, давлат тасарруфида бўлмаган иқтисодиёт секторини янада ривожлантириш йўли тутилмоқда. Ўтган йили 1846 та корхона мулкчиликнинг давлат ихтиёридан ташқари шаклига айлантирилди. Давлат бюджетига 30 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ тушди, бу маблағнинг учдан бир қисми шаҳарни ривожлантиришга ва уй-жой муаммоларини ҳал этишга сарфланди. Кимошди савдоларида умумий нархи 163 миллион сўмлик 49 та иншоот сотилди. Шаҳар иқтисодиётига 4 миллион АҚШ долларидан кўпроқ миқдордаги чет эл инвестицияси жалб қилинди.

1995 йилда бу йўналиш бўйича янада кўпроқ вазифаларни бажаришимиз керак бўлади. Кичик бизнесга аҳолини мумкин қадар кўпроқ жалб этиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда хусусий тадбиркорларга имтиёзлар берилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар, халқ истеъмоли моллари, ишлаб чиқариш-техника маҳсулотлари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек қурилиш фаолияти билан, ремонт, таъмирлаш-қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналар даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинадилар. Бу корхоналардан даромад солиғи олинаётганида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан таъминлашга сарфланган маблағдан солиқ олинмайди.

Шаҳар ҳокимлиги, деб таъкидлади К. Н. Тўлаганов, хусусий корхоналарга маҳсулот ишлаб чиқаришни, савдо ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш биноларини ижарага беради, шунингдек тугалланмаган қурилиш иншоотларини ва фойдаланилмаётган ускуналарни кимошди савдоси ва танлов орқали сотади.

Президент Фармонини бажариш мақсадида шаҳар ҳокими қабул қилган кенг қамровли қарорда мазкур Фармонни бажариш тадбирлари тасдиқланди, давлат тасарруфида бўлмаган корхоналар раҳбарларининг иштирокида туманларда кенгашлар ўтказиш жадвали белгиланди. Тадбирларда бу йил туманлар бўйича хусусий ва кичик корхоналар тузиш топшириқлари кўзда тутилади. Умуман шаҳар бўйича 5 мингга яқин ана шундай корхоналар барпо этилади. Ҳар бир туман бўйича хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари учун сотиладиган ер участкаларининг миқдори белгиланди.

1995 йилги хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастури белгиланди. Бу дастурни амалга оширишда асосий устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

— мулкчиликнинг давлатга тегишли бўлмаган шаклларини янада ривожлантириш;

— янги мулкдорлар иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва улар мулкнинг қайси шаклида бўлишидан қатъи назар мулкдорларнинг масъулиятини ошириш;

— тадбиркорликни, хусусий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;

— асосан танлов асосида ерни бериш ва сотиш тадбирларини ўз ичига олувчи ер ислоҳотини ўтказиш.

Эндиликда Тошкент шаҳри ҳудудида хусусий корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишнинг аниқ тартиби ва рўйхатлари белгилаб қўйилди. Ҳозир корхоналар қайси туманда жойлашган бўлса шу туман ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтказилмоқда. Ҳужжатлар туман ҳокимлигига топширилган кундан кўпи билан уч кун ичида рўйхатдан ўтказилиши керак. Рўйхат учун қандай ҳужжатлар кераклиги белгилаб қўйилди.

Дастурда 1995 йилда 123 та иншоотни, шу жумладан республика дастури бўйича 63 та ва маҳаллий дастур бўйича 60 та иншоотни хусусийлаштириш кўзда тутилади. Харид тўловлари 44 миллион сўмни ташкил қилади, шундан шаҳар бюджетига 6,6 миллион сўм тушади.

Туман ҳокимлари мазкур тадбир қандай бажарилаётганини доимо назорат қилиб туришлари керак.

Туман ҳокимлари, Тошкент шаҳри бўйича давлат мулкини бошқарув идораси яқин вақт ичида давлат тасарруфида бўлмаган корхоналарнинг раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, Тошкентда хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш бўйича туман ҳокимликлари билан амалий режаларни белгилаб олишлари лозим.

Депутатлар эътиборини шаҳар ҳокимлиги фаолиятининг яна бир жиҳатига қаратиб ўтмоқчиман. Шу йилнинг бошларида Тошкентда ер муносабатлари ҳақида қарор қабул қилинди. Ердан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер ва кўчмас мулк кадастрини тузиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ҳузурида ер муносабатларини тартибга солиш ва қурилишга инвестицияларни жалб этиш бошқармаси базасида ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси тузилди. Бош бошқарманинг фаолиятида кўзда тутилган аниқ вазифалар белгиланди. Унинг асосий вазифалари ерга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва бу сиёсат қандай амалга оширилаётганини назорат қилишдан иборат. Мазкур сиёсат ер ресурсларидан иқтисодий жиҳатдан оқилона фойдаланишни ва ер ресурслари таркибини яхшилашни, шунингдек, бу соҳада ҳокимлик фаолиятини қонуний-ҳуқуқий ва ахборот жиҳатидан таъминлаш зарур.

К. Н. Тўлаганов маърузаси якунида айтдики, ҳаммамиз учун 1995 йилги ҳаракат дастури белгиланган, мақсадлар ва бу мақсадларга эришиш йўллари ҳаммамизга равшан. Эндиги вазифа яхши ниятларимизни рўёбга чиқаришдан иборат.

Шаҳар Кенгашининг ҳар бир доимий комиссияси ҳам пухта ишланган ҳаракат дастурига эга бўлиши, белгиланган вазифаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тадбирларини белгилаб олиши керак. Янги сайланган депутатлар — малакали, ўз ишини яхши биладиган кишилардир, бинобарин 1995 йилда шаҳар ҳокимлиги олдида турган вазифаларни ҳал этишда уларнинг мадади ва ёрдами бебаҳо бўлади.

КЕЙИН маъруза юзасидан музокаралар бўлди. 31-Темир йўл сайлов округидан депутат, Ҳамза тумани ҳокими **Б. Ю. Юсупов** ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича белгиланган барча тадбирларни бажариш, йўл қўйилган хато ва нуқсонларни тузатиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолаётганлигини таъкидлади. Бунда айниқса кадрлар ва уларнинг резервлари билан ишлаш масаласига эътибор бериш лозим. Ҳокимликларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан, маҳаллаларнинг фаоллари билан ўзаро ҳамкорликда, бир ёқадан бош чиқариб ишлаши айниқса муҳим ва долзарб масаладир. Энг муҳим вазифалардан бири ҳамон ҳамшаҳарларимизни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи галда керак бўладиган товарлар билан таъминлаш бўлиб қолмоқда.

60-Яккасарой сайлов округидан депутат, "Маҳалла" хайрия жамғармаси Яккасарой тумани бўлимининг раиси **В. Б. Латипов** тўпланганлар эътиборини маҳаллаларда, жумладан, туманда ички имкониятларни қидириб топиш ва ундан фойдаланиш муаммоларига қаратди. Жумладан, у бугунги кунда озиқ-овқат дўконларининг иши устидан маҳаллалар фаолларининг назорат ўрнатганлигини таъкидлаб ўтди. Туманнинг кам таъминланган фуқароларига моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу йил ана шу мақсадлар учун 2 миллион сўмга яқин маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Тижорат тизимларининг иштироки билан турли-туман хайрия тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

"Озиқ-овқат" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари. **С. С. Муслимов** "Озиқ-овқат" ҳиссадорлик жамияти шаънига ҳамшаҳарларимизни энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида билдирилган таъналарнинг одилона эканлигини қайд қилиб, фаолиятнинг ана шу йўналиши бўйича олиб борилаётган ишлар етарли эмаслигини тан олди. У аксарият дўконларнинг хусусийлаштирилганлигини таъкидлаб, эндиликда бу дўконларнинг мустақил равишда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ва сотиш бўйича имкониятларга эга эканлигини таъкидлади. Бу борада дастлабки зарур қадамлар қўйилди, янгича ишлаш шароитида муайян тажриба тўпланди, энди уни ўрганиш ва ёйиш керак.

8-Салор сайлов округидан депутат, "Левентуль" ишлаб чиқариш-саноат концернининг раиси **Г. С. Левентуль** ўз нуқтида тадбиркорликни ривожлантириш, жумладан товарлар ишлаб чиқариш соҳасидаги муаммоларга тўхталиб, республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг яқинда қабул қилган "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони хусусий кичик ва ўрта бизнесни изчиллик ва ягона мақсад йўлида тараққий эттириш учун, бу йўлдаги мавжуд тўсиқларга барҳам бериш учун катта имкониятлар очганлигини уқтириб ўтди. Бугунги кунда концерн таркибида 76 та фабрика бўлиб, унда 12 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Истиқбол режасида бир ярим минг ишчи ўрнига эга бўлган яна битта тикув фабрикаси, тўқимачилик комбинати, супермаркет қурилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, ички бозордаги мавжуд бўлган ўз ишлаб чиқаришимизни ҳимоя қилиш зарурати шунингдек, истеъмолчини сифатсиз импорт товарларидан ҳимоя қилиш зарурати туғилди. Чунки бу товарлар кўп ҳолларда тўловларсиз келтирилмоқда. Ваҳоланки, республикамиз тадбиркорлари солиқларнинг оғир юкини кўтаришга мажбур бўлмоқдалар.

"Саноат моллари" жамиятининг раиси **С. Л. Хўжаберганов** истеъмол бозорини тўлдиришга имкон берадиган имкониятларни барча саноат моллари дўконлари қидирмаётганлиги ҳақидаги депутатлар танқидининг тўғри эканлигини таъкидлади. Бу масала жиддий муҳокама қилинди. Натижада бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди, бу тадбирларнинг амалга оширилиши шаҳарнинг истеъмол бозорида саноат молларининг камёблигини пасайтиришда маълум даражада аҳамият касб этади. Бундан ташқари республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарлардан 30 миллион сўм миқдордаги товарларни Тошкентга олиб келиш бўйича шартномалар имзоланди. Бунда биз тўғридан-тўғри шартномаларга, яъни турли-туман улгуржи базаларнинг иштирокисиз бўлган шартномаларга суянмоқдамиз.

Сессия муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

ШУНИНГДЕК. халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 1994 йил 18 майдаги "Тошкент шаҳри ҳудудида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш тўғрисида"ги қарорига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши "Шаҳар ҳудудини тозалаш учун олинадиган тушум тартиби тўғрисида"ги бобнинг янги таҳридаги "Тушум тўлаш бўйича имтиёзлар" бандини тасдиқлади.

БИРИНЧИ чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияларини тузиш ва улар таркибига ўзгартишлар тўғрисида 20-Тахтапул сайлов округидан депутат, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари **Х. М. Абдураимов** ахборот билан сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг "Жойлардаги давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарор қилди:

халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ахборот, миллатлараро муносабатлар, хорижий алоқалар масалалари бўйича доимий комиссияси тузилсин. 42-Хайробод сайлов округидан депутат, "Ўзбекфильм" киностудиясининг директори **А. М. Хўжаев** комиссия раиси этиб сайланди.

БАЛОҒАТГА етмаганлар ўртасида ҳуқуқ-тартибот бузилишларининг олдини олиш, Тошкент шаҳрида болалар жиноятчилиги профилактикаси бўйича барқарорликни таъминлаш ва вазиятни яхшилашга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш мақсадида халқ депутатлари **Тошкент шаҳар Кенгаши Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида балоғатга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссияни** тузди. 16-Охунбобоев сайлов округидан депутат, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари **Ш. И. Жалилов** комиссия раиси этиб сайланди.

ШУ билан биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи сессияси ўз ишини якунлади.

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида. Виктор Багаев олган суратлар.

Сиз кутган учрашув

ТАРИХИМИЗНИНГ НУРЛИ САҲИФАЛАР

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида" қабул қилган қарорида кўзда тутилган тадбирлар талайгина. Газетамиз ҳам маданий ҳаётимизда катта воқеа бўладиган ушбу муборак санани кенг ва атрофлича ёритиш режаларини тузиб чиқди. "Оқшом" саҳифаларида буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, унинг даври, темурийларнинг амалга оширган хайрли ишлари борасида талайгина материаллар эълон қилиниши кўзда тутилган.

Тарих — ўтмишимиз ва бугунимизнинг кўзгуси, десак тўғри бўлади. Ушбу кўзгуда акс этган ҳақиқ атни халқимизга бор бўй-басти билан кўрсата олиш юксак билимдонликни талаб қилиши ҳаммага аён. Бунинг учун тарих ва маданиятимиз акс этган қўлёзма асарларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай шарафли ишларни амалга ошираётган заҳматкаш алломаларимиз қаторида йирик шарқшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг аъзоси Бўрибой Аҳмедов ҳам бор.

Таниқли олимизнинг 300 дан ортиқ илмий-оммабоп ишлари эълон қилинди. 20 дан ортиқ йирик илмий асарлари босилиб чиқди. "Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан", "Кўчманчи ўзбеклар тарихи", "Ўзбек улуси" каби китоблар Бўрибой Аҳмедовнинг зукко қаламига мансубдир. Олим, айниқса, Амир Темур ва темурийлар даври хусусида атрофлича изланишлар олиб борди. Шунинг меваси ўлароқ дунёга келган "Улуғбек" тарихий-фалсафий-бадиий асари кенг китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинди. Бўрибой Аҳмедовнинг раҳбарлигида "Темур тузуклари" китоби дунё юзини кўрди.

Куни кечагина 70 ёшини нишонлаган Бўрибой Аҳмедов билан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Домла, Амир Темурнинг тарихимизда тутган ўрнини ҳар ким ҳар хил баҳолайди. Сиз буюк соҳибқирон ҳақида, унинг тарихимизда тутган ўрни ҳақида нималар дея оласиз?..

— Биз Темур шахсига ҳозир бирмунча ҳолис баҳо беряпмиз. Уни катта давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фаннинг, маданиятнинг ҳомийси деб эътироф этяпмиз. Бунинг тагида олам-олам мазмун бор.

Амир Темур тарих майдонига кириб келаётган вақтда Чиғатой улусининг бир қисми — Мовароуннаҳрда жуда катта парокандалик мавжуд эди. Қозонхон ўлдирилгандан кейин феодал тарқоқлик яна ҳам авж олиб кетди. Оқибатда мамлакат ўнга яқин майда бекликларга бўлиниб кетди. Шаҳрисабз беклиги дастлаб Қаршига қарарди. Ҳожи Барлос уни тортиб олди. Ўзини мустақил деб эълон қилди. Самарқанд атрофида макон қурган Ҳизр Ясавурий номли бир бек ўзини мустақилман деб, жар солдирди. Хўжандда Боязид Жалойир мустақиллик тугини кўтарди. Хутталонда Кайхисрав деган яна бир бек ҳеч кимга бўйсунмаслигини эълон қилди. Ҳиротда Амир Ҳусайн деган бир бек ҳам мустақилман деб майдонга чиқди. Мамлакатда ягона бир ҳукмдор йўқ эди. Бунинг оқибатида тинимсиз урушлар, талашлар бўлар эдики, бу нарса мамлакатни борган сари ҳолдан тойдирарди. XIV асрнинг ўрталаридаги аҳвол мана шундай эди. Ҳунармандчилик, деҳқончилик, савдогарчилик батамом издан чиқди. Айниқса, халққа жуда ҳам жабр бўлиб кетди. Бу ҳам етмагандек, 1360 йил баҳорида Мўғулистон (Еттисув, Или водийси, Шарқий Туркистон Мўғулистонга қарар эди, тарихда Жете деб ҳам юритилган) хонларидан Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрга катта қўшин билан бостириб кирди. Мўғулларга қарши турадиган куч йўқ эди. Бекларнинг бир қисми қочиб кетди. Бир қисми мўғулларга таслим бўлиб, улар хизматига кирди. Темурнинг якка ўзигина уларга қарши жангга кирди.

Темур 1358 йилдан то 1370 йилгача мўғулларга қарши курашди. Парокандаликка барҳам берди, мамлакатни ўз байроғи остига йиғди. Босқинчиларни юртдан қувиб чиқарди. 1370 йили марказлашган катта феодал давлатига асос солди. Ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, илм-фан яна ривож топди. Темурнинг тарих олдидаги буюк хизматларидан бири мана шу!

Энди Амир Темурни моҳир саркарда дедик. Мен тарихни синчиклаб ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келдим: Темур олти ой бирон бир жойда тинчгина дам олиб ётмаган. От устида ҳаёт кечирган. Бунинг маълум сабаблари бор эди. Атрофда катта-катта подшоҳликлар мавжуд эди. Амир Темур мўғул хонларига қарши етти марта юриш қилди. Оқ Ўрда хони Ўрусхон, Сиғноқ томондан Мовароуннаҳр сари кириб келарди. Ундан кейин хон бўлган Тўхтамиш ҳам Шимолий сарҳадларга хавф соларди. 1391 йилда Амир Темур ва Тўхтамишхон қўшинлари илк марта жанг қилдилар. Қаттиқ урушда Тўхтамиш тор-мор этилди, ўзи қочишга мажбур бўлди. Ҳозирги Волгоград ва Самара шаҳарларининг ўртасида қадимда Қундузча деган шаҳарча бўларди. Шу ерда бўлиб ўтган эди бу жанг.

Тўхтамиш ва унинг иттифоқчилари қўшинини Темур армияси ер билан яксон қилди. Бу жанг 1395 йил Терек дарёси бўйида бўлиб ўтганди.

Темур даврида қўшинларнинг чап канот, ўнг канот ва марказига катта эътибор берилар эди. Темур қўшиннинг таркибини бошқатдан яратди. Ўнг ва сўл канотларини етти қатордан қилиб тузди. Бу мисли кўрилмаган янгилик эди.

— Амир Темур соҳибқироннинг турк султони Боязид Йилдирим билан жанги жаҳонгир ҳарбий қудратининг яна бир намойиши бўлди, десак тўғри бўладими?

— Темурнинг саркардалик маҳорати турк султони Боязид Йилдирим билан бўлган жангда яна бир карра намоён бўлгани тўғри. Аслида бу уруш бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Амир Темур Боязидга жуда ҳам кўп марта мактублар юборган. Дўстлик, тинчликни, ҳамкорликни таклиф этган. Бирга бўлиш, иттифоқ тузишни кўп бор таъкидлаган. Темурда битта талаб бўлган: ўша пайтда қорақўюнли уруғи бўлар эди. Улар асосан йўлтўсарлик, талончилик билан шуғулланган. Худди шунингдек, Султон Аҳмад Жалойир Бағдодни эгаллаб, йўлларга ҳукмронлик қилар эди. Шу сабаб ҳатто ҳажга бориш ҳам тўхтаб қолган эди. Савдо-сотиқ ҳақида гапирмасак ҳам тушунарли бўлса керак. Темур уларнинг барчасини тутиб, ўзига топширишни талаб қилган. Боязид эса бу таклифга қарши бориб, уларга бошпана берди.

Аслида Боязид Йилдирим ҳам кучли, ўша даврда бутун Оврупога таҳдид солиб турган подшоҳлардан бири эди. Оврупо мамлакатларининг бирлашган қўшинларига қарши майдонга тушган Боязид қўшинлари икки маротаба галаба қозонган эдилар. Темур Боязид билан жанг қилишни истамаган. Буни Туркияда, Истанбул шаҳрида жойлашган Фотиҳ Сулаймон кутубхонасида сақланаётган Темур билан Боязиднинг ёзишмалари ҳам тасдиқлайди. Темур кўп сонли мактубларида дўстликка, бирдамликка қанча даъват қилса ҳам Боязид бир хатида "Бу гапларни жанг билан ҳал қиламиз", деб ёзган.

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Архиепископ Иоаннинг 24 бобдан иборат "Улуг Темур саройидаги ҳаёт" деб номланган китоби бор. Иоанн Темурни кўрган. Табризда Мироншоҳнинг ҳузурида кўп вақт бўлган. Иоаннинг Франция қироли Карл VIга ёзган бир тавсияси бор. Унда айтилишича, Оврупонинг тинчлиги шу икки подшони, яъни Темур ва Боязидни уриштириб қўйишга кўп жиҳатдан боғлиқ дейилган. Темур буни жуда яхши тушунган. Шунинг учун ҳам Боязид билан жанг қилишга кўп вақт киришмаган. Охир-оқибатда 1402 йилда Анқара ёнида қаттиқ жанг бўлди. Бу урушда, маълумингизким, Темур галаба қозонди!

Темурнинг буюк саркардалиги шундаки, у ўша замондаги мунтазам армияга асос солди. Жангга ярамай қолган жангчиларни ўз ҳолига ташлаб қўймади, уларга нафақалар тайин этди. Жанг олдидан жангчиларга совға-саломлар берди. Олти ойлик маошини жангдан олдин жангчиларга топширди. Токи, унинг оиласи қийналиб қолмасин, жангчининг кўнгли хотиржам бўлсин. Темур армияни ўнлик, юзлик, минглик туман тарзида тузди. Ҳар бирининг бошига ўзини кўрсатган жангчиларни бошлиқ қилиб қўйди. Темур армияни жуда кучли қуроллантирди. Ўзининг катта қурол устахоналари бор эди. Усталар жангчилар учун қурол-аслаҳалар ясашди. Ҳамиша уч ойга етадиган ем-ҳашак, озиқ-овқат шай бўлди. Шу тарзда унинг армияси енгилмас номини олди.

— Тарихий қўлёзмаларнинг барчасида Амир Темурнинг маданиятга, илм-фанга чинакам ҳомий бўлганлиги ёзилади... Бир томондан саркарда, бир томондан ҳомий...

— Чиндан ҳам шундай. Амир Темур қурилишга, илм-фанга катта эътибор берган. Унинг саройида атоқли олимлар тўпланган. Улар орасида тарихшунослар, ровийлар, фақиҳлар, файласуфлар, мунажжимлар, риёзиётчилар, санъаткорлар, қурувчилар, қўйингчи, номи чиққан барча аҳли уста иш олиб борган.

Олимлар яратган ажойиб китоблар Темур даврини тўлақонли акс эттириш билан бирга, соҳибқироннинг илм аҳлини қанчалар ҳурматлаганидан ҳам далолат беради. Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Мирсаид Шариф Журжоний, Аҳмад Ал-Хоразмий, Нуъмониддин Хоразмий, Саъдуддин Тафтазоний сингари ҳуқуқшунос, қуръоншунос, тарихчи олимларнинг номини бугун барчамиз ҳурмат билан тилга оламиз. Темур қаерга борса, номи чиққан олиму уламоларни, қурувчи-ю усталарни Самарқандга келтирган. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ "Амир Темур тарихи" китобида келтиради.

Соҳибқиронни қурилишга, ободончиликка катта эътибор билан қараган дедик. Чиндан ҳам Самарқандда қад ростлаган Бибихоним мадрасаси, Гўри Амир,Шоҳи Зинда, Гумбази Сайидон мақбаралари, Оқсарой ўзининг маҳобати билан ҳали ҳам бутун олам аҳлини ҳайратга солиб турибди. Агар ўқиган бўлсангиз, Оҳангарон билан Чирчиқ дарёларининг қўшиладиган жойида Эски Тошкент (Бинкент, Банокент деб ҳам аталади) шаҳри бор эди. Уни Чингизхон 1219 йили вайрон қилиб ташлаган. XV асрда эса Амир Темур ушбу шаҳарни қайта тиклади ва ўглининг шарафига Шоҳруҳия деб ном берди. Ҳозирги Оққўрғоннинг Султон Сегизбоев номли давлат хўжалиги ҳудудидаги улкан тепалик остида бу шаҳар мангу уйқуда ётибди. Худди шундай Амир Темур Афғонистонда кўпдан-кўп қалъалар қурдирди. Эрон Озарбайжонидаги Бойлақон деган қалъани (1256 йилда Чингизхоннинг невараси Ҳалоку бузиб ташлаган эди) қайта тиклади.

Қорабоғда узунлиги 7 фарсах келадиган арик кавлатди. Номини эса Барлос деб қўйган. Зангиота туманидаги Зангиота мақбарасини, Туркистон шаҳридаги Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбарасини соҳибқирон қурдирганини ватандошларимиз фахр билан тилга оладилар. Қизиғи шундаки, Амир Темур қанча кўп биноларни, работлар, боғлар барпо қилган бўлса ҳам биронтасига ўз номини қўймаган. Амир Темурга ўхшаб унинг авлодлари бўлган темурийлар ҳам қурилишга, ободончиликка, юрт тинчлигига катта эътибор берганлар.

Шундай бир ривоят бор: Шоҳруҳ Амир Темурнинг хазинасига кирганда у ердан ҳеч қандай маблағ тополмайди. Тасодифан ҳассаси бир нарсага тегиб кетган экан, эгилиб олиб қараса, битта олтин танга экан. Уни олиб кўзига суртиб: "Биз бугун ғоний бўладик. Отамизнинг меросидан баҳраманд бўладик", деган экан.

Шу ривоятнинг ўзи ҳам Амир Темурнинг маданиятга қанчалар эътибор берганини тасдиқлаб турибди.

— Домла, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида" қабул қилган қарорини халқимиз зўр қониқиш билан кутиб олди. Бу ҳам мустақиллигимиз шарофати, албатта. Назаримизда амалга оширилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенгга ўхшайди...

— Жуда тўғри айтдингиз. Ишлар кўлами катта. Дастлаб, Амир Темур даврида ёзилган ва бизгача етиб келган муҳим адабиётларни, ўзбек тилида чоп этиш керак. Тўғри, авваллари Темур ва темурийлар даври ҳақида мақолалар ёзилган, рисолалар яратилган. Лекин уларни етарли деб бўлмайди. Темур авлодлари ҳақида кўплаб асарлар яратиш биз — тарихчи ва ёзувчиларнинг олдидаги энг масъулиятли вазифа деб ҳисоблайман. Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганиш — бу жамият тарихини ҳам ўрганишдир. Яна саҳна асарлари, кино, видео, телефильмлар яратиш, бадиий романлар, қиссалар ёзиш керак.

Миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини аслида тарих беради. Тарихимизни биз қанча мукаммал билсак, миллий ғуруримиз шунчалар баланд бўлади. Амир Темур эса тарихимизда буюк саҳифаларни ташкил этган тенгги йўқ улуғ сиймодир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда таъкидланганидек, буюк соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Китобда, Шаҳрисабзда, Самарқандда Амир Темурнинг улуғвор ҳайкаллари қад ростлаши нур устига нур бўлади.

Ўйлайманки, биз тарихимизни чинакам ўрганишни бошладик. Демак, тарихчи олимларнинг вазифаси ушбу тарихимизнинг бор ҳақиқатини рўёбга чиқаришдир. Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд тўйи бу борадаги дадил қадам бўлади.

Ҳамсуҳбат Темур УБАЙДУЛЛО.

Ихчам тақриз

ШОИРНИНГ ТОРТИҒИ

Адабиёт олами, ижод бўстонининг баги кенг, ранг-баранг. Аъзам Ўктам ана шу мўътабар даргоҳга эзгу ният билан кириб келган, ўзбек шеърияти кенжа авлодига мансуб ўзига хос лирик шоирлар жумласидандир. Шеърият ихлосмандларига у ўзининг "Кузда кулган чечаклар", "Кузатиш", "Зиёрат" тўпламлари орқали яхши таниш. "Чўлпон" нашриёти яқинда шоирнинг навбатдаги "Тараддуд" тўпламини шеърият ихлосмандларига тухфа этди.

Одатда бирор байрам, анжуман, тўй-маъракаларга олдиндан тараддуд кўрилади. Умуман, ҳозирлик, тараддуд кўриладиган тадбиру-воқеа, ишлар анчагина. Катта сафар олдидан бўладиган тараддуд ҳам ана шулар жумласига киради. Мажмуанинг тўплам номи билан аталган шеър билан бошланиши бизнинг назаримизда бир рамзий маъно касб этгандек туюлади. Яхшиси, шу шеърдан олинган парчани муҳтарам оқшомхонлар эътиборига ҳавола қила қолайлик.

Йўл аниқ, қайтиш йўқ.
Мен кетдим энди.
Кечган нарсам — жонни ўйламам ҳечам
Битта майдон керак — курашгим келди:
Тўшакда ётгулик қилмасин ўлсам!

Шеърнинг юқори қисмида "Қизларнинг юзидай очилган осмон, булут келишига кўрар ҳозирлик" сингари ўзига хос, бетакрор топилма, ташбеҳлар ёрдамида табиат кўриниши, ҳолатларини моҳирона акс эттира олган шоир пировардида ўринли сифатлаш, салмоқли сатрлар воситасида гўёки ўзининг ҳаётий нуқтаи назарини рўй-рост билдирган.

Маълумки, шоирлик, шеърият фидойиликни талаб этади. Акс ҳолда мақсадга эришиш амри-маҳол. Буни юрақдан яхши ҳис этган шоир аниқ ижод йўли, шеърият йўлидан кетаётганлиги, бу йўлдан қайтмаслигини алоҳида таъкидлаб, бунда кечган нарсаси — жонини ҳам аямаслигини, уқтиради.

Фақат бугина эмас, тўпламдан фалсафий теран мушоҳадаю бадиий бўёқларга бой шеърларни кўплаб учратиш мумкин. Шу ўринда шоирнинг "Тўплам" сарлавҳали шеърини тўлалигича келтиришни лозим топдик.

Қамчинлар — найзалар топти паторат
Бўғотда тўрсайган музлар эриди.
Очилиб келмоқда кунлар ниҳоят
Бир лаҳза қалблардан ғамлар ариди.
Тўхтамас бу эрув, йўқ сира кети,
Эски тўнкагина шодланолмас, тек —
Атрофга қарашга чидамас бети,
Ягона кўрпаси куйган йўқсулдек.

Бир қарашда Аъзам Ўктамнинг бу бор-йўғи 8 мисрадан иборат шеърида теварак-атрофимиздаги борлиқ, табиатдаги ўзгаришлар, қўклам манзараси тасвиридангина иборатдек туюлади. Тўғри, шоирона тасвир ҳам бор. Лекин фақат шугина холосми? Йўқ, зинҳор ундай эмас. Агар синчиклаб разм солинса, шоир аввало мазкур шеърда бўғотда тўрсайган музлар эриди, эски тўнкагина шодланолмас, каби қатор сифатлаш, жонлантиришлар орқали ўқувчи кўз ўнгида кўклам келиши жараёнидаги ҳолат, манзарани яққол гавдалантира олган. Бу — масаланинг бир жиҳати, албатта. Иккинчи муҳим жиҳати шундаки, бу ўринда шоир шунчаки табиат манзарасини сўз воситасида чизиш билан кифояланиб қолмайди. Балки жамиятимиз, хусусан юртимизда содир бўлган туб ўзгаришлар, миллий, маънавий қадриятларимизнинг яна халқимизга қайтариб берилгани, бундай мустақиллик ҳур озод турмушни ҳайрим "эски тўнка" қабилидаги кишиларгина кўра олмаслиги, шодлана олмаслигини киноя остига олганки, буни шеърият шайдоси дарҳол пайқай олиши унчалик қийин эмас. "Англаганим" шеърида ҳам ўзбек халқининг эндиликда ўзини англаб бораётгани образли ибораларда ёркин ифодаланган. Бу иккала шеър мавзу ва илгари сурилган ғояси жиҳатдан бир-бирини тўлдирган.

Тўпламдан жой олган "Мўъжиза", "Тувакдаги гул", "Жўжахўроз", "Қишлоқни қўмсаш", "Чўлпон" ва "Армон" каби қатор шеърлар билан танишар экансиз, охори тўкилмаган қиёс, ўхшатишу сифатлашлар топишда ҳам, қаламга олган мавзуи бўйича ёркин бадиий умумлашмалар чиқара билишда ҳам Аъзам Ўктамнинг истеъдоди тобора камол топиб бораётганига тўлиқ ишонч ҳосил қиласиз. Шоирнинг қисқаликка интилиб, шу билан бирга гоҳ-гоҳ аруз вазнида ҳам машқ қилиб, жиддий ютуққа эришганини алоҳида таъкидлаган ҳолда уни "Тараддуд" билан қутлаб, янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Музаффар ТУРОБОВ.

Болалар — келажагимиз

ЖАЖЖИЛАРИМИЗГА ЎЙИНЧОҚЛАР ЕТАРЛИМИ?

Республика услубиёт марказида ташкил этилган ўйинчоқлар кўргазмаси диққатимизни тортди. Кўргазма залини айланган киши ўзини гўё эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис этади. Бу ердан турли матолардан ясалган миллий либосдаги қўғирчоқлардан тортиб бешикларгача, миллий чолғу асбобларидан қўқон аравагача, ошхона анжомларидан эртак қаҳрамонларигача ўрин олган. Шунда беихтиёр ўйинчоқ дўконларидаги бўм-бўш пештахталар, баъзида сотувга чиқарилаётган қимматбаҳо ўйинчоқлар кўз олдимизга келади.

Ҳа, тарбиячиларни бир қанча вақтдан буён ўйинчоқлар муаммоси ўйлантирмоқда. Маълумки, ҳар бир ривожланган мамлакатда кичкинтойлар ўйинчоқлар билан етарли таъминланган бўлиб, улар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Бизда ҳам жажжи ўғил-қизларимизнинг энг севимли ўйинчоқлари яратилса ва фикрни ўстирувчи, одоб-ахлоқли бўлишга ундовчи ўйинлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шу мақсадни кўзлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танловини ўтказишга қарор қилгани диққатга сазовордир. Бу тадбир икки йилдан бери ташкил этиляпти.

Бу йилги танловга эса республикамиз вилоятлари ва пойтахтимиздаги мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари ўзлари тайёрлаган юмшоқ ўйинчоқлар, шунингдек, ёғочдан ва лойдан ясалган 500 дан ортиқ турлари билан қатнашдилар. Ғолибларнинг ишлари кўргазмадан ўрин олди.

Диққатга сазовор жойи шундаки, вазирлик ташаббуси билан шаҳримиздаги корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида давра столи ўтказилди. Мақсад, уларни кўргазмадан ўрин олган ўйинчоқлар билан таништириш ва имкониятга қараб уларни кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат эди. Шу нарса маълум бўлдики, меҳнат жамоаларининг ўйинчоқларни ишлаб чиқаришга қизиқиши катта. Аммо керакли хом ашёнинг йўқлиги панд бериб турибди. Шунга қарамай, "Елена" фирмаси "Яшил гиламча" номли ўйинчоқлар туркумини, Тошкент миллий чолғу асбоблар тадқиқот тажрибахонаси кўргазмадан ўрин олган миллий чолғу асбоблари, "Семилия" фирмаси эса кичик ёшдаги болалар учун йигма ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олди. "Совпластитал" қўшма корхонасининг мутахассиси Р. Шегина ҳозирча ҳом ашё етишмаслиги туфайли ўйинчоқлар кам ишлаб чиқарилаётгани, кўргазмадан ўрин олганлари жуда чиройли ва миллий ишланганлигига қарамай уларнинг технологиясига тўғри келмаслигини айтди.

Очиқ тан олиш керак, бугунги кунда кичкинтойларимиз ўзлари ёқтирган ўйинчоқларни танлаб олиш имкониятига эга эмаслар. Биз ушбу муаммо қандай ҳал қилинаётганини билиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармасининг бошлиги Ҳамида Аҳмедова билан суҳбатлашдик.

— Мактабда дарсликлар, боғчада эса ўйинчоқлар болаларнинг доимий ҳамроҳидир, — дейди у. — Машғулотларда ўйинчоқлар ёрдамида миллий удумларимиз, урф-одатларимиз, ахлоқ-одоб болаларга чуқур сингдирилади. Ҳатто, мактабга тайёрлаш гуруҳлари ҳам уларсиз кўзланган мақсадларига эришишлари қийин. Дўконлардаги ўйинчоқлар талабга жавоб бермайди, нархи жуда баланд. Масалан, яқинда боғчалар учун 10 турдаги ўйинчоқларни олдик. Битта айиқчанинг нархи 180 сўм, матоси эса жуда оддий. Тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам талабга жавоб бермайди. Ёки қуёнчани олиб кўрайлик. Ҳеч замонда қуён ҳам қизил рангда бўладими? Уларни ўйнаган болаларнинг савияси қай даражада бўлишини билиб олаверинг. Қувончлиси, аҳволни тўғри тушунган тарбиячиларимиз бўш вақтларида ҳар хил қизиқарли ўйинчоқлар ясашяпти. Жажжигина бешиклар, уй жиҳозлари, рўзғор буюмлари, миллий либосдаги қўғирчоқлар ва бир қанча юмшоқ ўйинчоқлар...

Булардан ташқари, хорижда тайёрланаётган ўйинчоқларга ҳам буюртма бераяпмиз.

Дония ЗОКИРОВА.

СУРАТДА: кўргазмадан ўрин олган қўғирчоқлар.
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

ТАБИАТДАН ЯНГИ ДАРСЛИК

Фан ва техника юксалган сари ва технология соҳасидаги фанларни қамраб олиб физикавий киме, кимёвий физика, геофизика, бионика сингари ўнлаб комплекс фанлар вужудга келмоқда. Улар замирида эса катта билим ва малака талаб қилувчи янги-янги касб-корлар пайдо бўлмоқда.

Хусусан, мактаб географиясини қайта қуришнинг илмий концепциясида белгиланган йўналишларни ҳаётга тадбиқ қилиш натижасида яқиндан бошлаб ўрта мактабларнинг бешинчи синфида "Табиатшунослик" ўрнига "Табиат" фанини ўқитиш йўлга қўйилди. У химия, физика, ботаника ҳамда география фанларининг бирикмасидан ташкил топган.

Табиатни алоҳида фанлар таркибида ўрганиш, табиат унинг яхлитлиги, инсоннинг табиатда тутган ўрни ва роли тўғрисида, инсоният олдида қўндаланг бўлиб турган муаммоларнинг моҳиятини тўғри тушуниш, уларнинг ечимига оқилона ёндошишга ўргатишда ожизлик қиларди. Янги фаннинг ўқитилиши эса ўқувчиларда табиат ҳодисалари ва умумий оламни билишни яхлитлик асосида шакллантиради. Қолаверса, ўқув фанлари алоҳида ўқитилганда тизимли курс сифатида ўқитиш орасидаги катта узилишнинг барҳам топишини таъминлайди. Яна бир томони ўқув режасидаги табиат туркумига тегишли ўқув фанлари сонини қисқартириш имконини беради.

Шу ўринда физика фанлари номзоди А. Баҳромовнинг "Табиат-бирикма" номли услубий қўлланмаси ўқитувчиларга ёрдам сифатида ёзилганини айтиб ўтиш зарур.

Шаҳримиздаги география фани ўқитувчилари ўн беш кун мобайнида "Табиат" фанини ўқитиш бўйича малакаларини оширдилар. Бундан ташқари, пойтахтдаги 9-ўрта мактабнинг олий тоифали география ўқитувчиси Малика Маҳамедованинг "Табиат" фанини ўқитиш бўйича иш тажрибаси оммалаштирилди.

Турсуной ИСАМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти услубчиси.

МАРОҚЛИ КЕЧА

Ўрта мактабларда адабиёт дарсликларига ёзувчи Тоҳир Малик, Шукур Холмирзаев, шоир Рауф Парфи, Хуршид Давроннинг ижоди киритилгани қувончлидир. Шу муносабат билан билим даргоҳларида "Ёзувчи дарслари" уюштириш режалаштирилмоқда.

Яқинда мактабимизга шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари, туман халқ таълими бўлими ходимлари ва маҳалла фаоллари ташриф буюришди. Улар истеъдодли ёзувчи Тоҳир Малик ва шоир Маъруф Жалил суҳбатидан баҳраманд бўлдилар.

Кечани адабиётшунос Баҳодир Валиев бошқариб борди. Йиғилганлар ёзувчининг "Шайтанат", "Сўнгги ўқ", "Алвидо, болалик" қиссалари юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Шоир Маъруф Жалилнинг Амир Темур ҳақидаги шеъри, "Ниҳол" тўғараги аъзолари Насиба Максудова, Сурайё Имомоваларнинг ёзувчига бағишланган шеърий машқлари даврага файз киритди. Шунингдек, ўқитувчи Ёқутхон Мўминова бошқараётган драма тўғараги аъзолари томонидан "Шайтанат" қиссаси асосида саҳналаштирилган бир кўриниш ҳам барчага манзур бўлди.

Тўғарак аъзолари ёзувчи дастхати битилган китоблар билан тақдирландилар.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи,
Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг муаллимаси.

Навоий гулшани

ХАТ ТОЗАЛИГИ—РУҲ ТОЗАЛИГИ

Араб алифбосининг дастлабки намуналари ҳақида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. Айрим манбаларда зикр этилишича, бу алифбонинг илк намунаси сифатида XII—XIII асрларда хатти маъқалий, кейинроқ эса куфий шакли кашф этилган. XVI асрда яшаган котиб ва адиблар Қози Аҳмад ҳамда Мир Имоднинг маълумотларига қараганда, куфий хати намунасининг асосчиси Муҳаммад Халиф ибн Абу Толиб бўлган. Лекин маълум давр ўтиши билан бу хатлар намунаси талабга жавоб беролмай қолган. Бу хатларда битилган китобларнинг кўпинча хато ўқилиши (уларда ҳозирги араб ҳарфларидаги сингари осткиустки белгилар бўлмаган) алифбога янги аломатлар киритилишини талаб қиларди. Натижада товушлар аниқ талаффуз этилиши учун ҳарфларнинг усти ва остига нуқталар, танвин, замма, ташдид каби турли аломатлар қўйиладиган бўлди ҳамда алифбо белгиларининг сони 28 тага етказилди.

X асрда моҳир котиб ва олим Ибн Муқлаъ ўзигача бўлган куфий хатдан воз кечиб, араб алифбосининг янги олти навъи—сулс, тавқеъ, риқоъ, райҳоний, насх, муҳаққақ деган турларини кашф этди.

Ибн Муқлаънинг котиблик истеъдоди ҳақида шундай бир воқеани ҳикоя қиладилар: Аббосийлар халифасининг вазири бўлган Ибн Муқлаъ давлат можаролари натижасида қамоққа олинади. Унинг ўнг қўлини кесадилар. Аммо у чап қўлида ҳам ажойиб хат намуналарини битади. Айрим маълумотларга қараганда, араб алифбосидаги зарур аломатлар ҳам Ибн Муқлаъ томонидан киритилган.

XIV асрга келиб араб алифбосида янги услуб — таълик ва настаълик хатлари вужудга келади. Настаълик хатининг асосчиси Хожа Мир Али Табризий (1330—1404) эди. Бу хат шу қадар машҳур бўлиб кетадики, унинг намуналари ва хиллари ҳақида то XIX асргача котиблар, адиблар томонидан махсус рисолалар битилди. Энди бу ҳатда фақат нодир асарларгина кўчирилиб қолмасдан, шоир ва адибларнинг шоҳ байтлари, диний оятлар, ахлоқий-эстетик фикрлар ҳам кита усулида, катта хаттотлик санъатининг намунаси сифатида ёзиладиган бўлди. Улар совға тариқасида юборилган, тасвирий санъат асарлари ўрнига деворларга осиб қўйилган, шоҳ саройлари, мадрасаларни безатган.

Темурийлар ҳукмронлиги даврига келиб адабиёт ва бошқа санъатлар қатори котибликка ҳам эътибор кучаяди. Бу даврда Хожа Мир Али Табризийдан ташқари Султон Али Машҳадий, Мавлоно Симий Нишопурий каби хаттотлар машҳур бўладилар ва котиблик мактабларининг асосчилари сифатида таниладилар.

Хаттотлик санъати ривожланган сари, шубҳасиз, давр адиблари ва санъат аҳли ҳам бу соҳага катта эътибор бера бошлайди. Биз қуйида ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Алишер Навоийнинг хаттотлик санъатига бўлган муносабати ҳақида бир қадар тўхталиб ўтмоқчимиз.

Алишер Навоий хаттотлик санъатига бағишланган алоҳида асар яратмаганлар. Аммо буюк адибнинг «Маҳбуб ул—қулуб», «Мажолис ун—нафоис», «Насоим ул—муҳаббат» асарларида ва «Ҳамса» достонларининг айрим байтларида келтирган фикрлари унинг хаттотлик санъати борасидаги қарашларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Алишер Навоий, аввало котиблик санъатини пухта эгаллаган, хатда янгиликлар кашф этган, хат ва хаттотликка оид рисолалар битган ҳамда мактаб яратган хаттотларни тилга олади. Булар Султон Али Машҳадий, Мавлоно Сойилий, Мавлоно Симий Нишопурий, Биноий, Мавлоно Юсуф Шоҳ, Хожа Абдулло Садр, Мавлоно Шер Али, Мавлоно Номий, Шайхзода Пуроний сингари котиблардир.

Алишер Навоий Султон Али Машҳадийга (1432—1520) юқори баҳо бериб, бундай дейди: «Бу кун Хуросонда ва оламнинг аксар билолида насх таълик хатида қиблат ул—қуттобдир ва китобот мулкининг қаламрави як қалама анга мусалламдур». Султон Али ҳақида фикр билдирган Хондамир, Восийий, Давлатшоҳ Самарқандий, Қози Аҳмад каби адиб ва тарихчилар ҳам уни «китоблар қибласи» деб таъкидлаганлар, у яратган китобат нусхаларининг тенгсизлигини, ҳеч ким настаълик хат услубида унинг даражасига етмаганлигини қайд этганлар. Буюк хаттот Султон Али яратган нафис қўлёзмалар бизгача етиб келган. Улар бугунги кунда жаҳон кутубхоналари хазиналарида сақланмоқда.

Султон Али айни пайтда шоир ва олим ҳам бўлган. Унинг хаттотлик санъатига бағишланган рисоласида бу санъатнинг турлари, сирлари ва йўллари атрофлича таҳлил этилган. Султон Алининг фикрича, «хат тозалиги — руҳ тозалигидир».

Мир Алишер Навоий таърифлаган котиблардан яна бири — Мавлоно Шер Алидир. Шоир унинг истеъдодига баҳо бериб, «ўз замонида насх таълик хатин андоқ битидиким, ҳеч киши тақлид қила олмади, балки мушкилки ҳаргиз ҳам тақлид қилса бўлгай», дейди ва бу билан улуғ хаттотнинг китобат санъатида нодир истеъдод эгаси эканлигини таъкидлайди.

Алишер Навоий Мавлоно Симий ҳақида сўз юритар экан, унинг нишопурлик эканлигини, шеър, муаммо, иншо фанлари қатори хаттотлик билан ҳам шуғулланганлиги, бу борада шуҳрат қозонганлигини таъкидлайди. Симийнинг шеър ёзиб, ўзи китобат қилганини айтади. XVI аср котиби ва адиби Қози Аҳмаднинг мусиқага бағишланган рисоласида Симий ҳақида анча маълумот бор. Рисола муаллифининг ёзишича, Симий хаттотлик ҳақида асар ҳам битган. У араб алифбосининг етти турини мукаммал билган ва китобларни юксак дид билан безаган. Ўша даврда одамлар Симийга шогирд тушишни бахт деб билганлар.

Мирбаҳодир БАДАЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.
Толиб САДЪУЛЛАЕВ.

Краснослав Петрович ДУДИН

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Краснослав Петрович Дудин 25 январь куни вафот этди.

Краснослав Петрович Дудин 1929 йил 20 октябрда Самара шаҳрида туғилди. 1952 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битиргандан сўнг Тува қурилиш-монтаж идорасида меҳнат қилди. 1955 йилдан 1963 йилга қадар Фарғона вилоятида самарадорлик билан меҳнат қилиб, ишбошиликдан Марғилон қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1959 йилдан партия ишига ўтди. 1966 йилда Тошкент қурилиш бош бошқармасининг 11-баланд иморатлар қуриш трести бошқарувчиси этиб тасдиқланди.

К. П. Дудин 1970—1985 йилларда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар қўмитасининг котиби, сўнгра эса иккинчи котиби бўлди.

1985 йилда Тошкент қурилиш бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинланғач, К. П. Дудин бутун кучи ва ғайратини Ўзбекистон пойтахтида қурилиш ишига, шу жумладан шаҳар марказини қуриш, метрополитен йўлини барпо этиш, йирик ишлаб чиқариш корхоналари қуришга сарфлади. 1989 йилдан бошлаб республика бинокорлик материаллари саноати вазирлигида ишлади.

К. П. Дудин 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ўтди, бу ерда банкнинг қурилиш ва тараққиёт бўлимига раҳбарлик қилди, сўнгги вақтда миллий банкнинг кўчмас мулк ва капитал қурилиш бошқармасига бошчилик қилди.

Краснослав Петрович Дудин қаерда ишламасин, ўз касб маҳоратини ва ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди, у ҳамиша камтар, меҳрибон инсон, яхши раҳбар эди. Ишга, аввало одамларга муносабати билан ҳамманинг ҳурматини қозонган эди.

К. П. Дудин хизматлари кўпгина юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. К. П. Дудин Тошкент шаҳар кенгаши, Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига бир неча бор сайланди.

Кўплаб эзгу ишларнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлган Краснослав Петрович Дудиннинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

02: ХАБАРЛАР ХОДИМЛАР

Мустақилликнинг муҳим шартларидан бири бу — давлатнинг ўз паспортига эга бўлишидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом»ни ҳаракатга киритиш тўғрисида»ги Фармонига биноан мамлакатимиз халқлари ўз миллий паспортларига эга бўлмоқдалар. Биз, ички ишлар идоралари ходимлари ҳам, юртимизнинг барча фуқаролари каби мамлакатимиз Президентининг миллий паспортни жорий этиш ҳақидаги Фармонини кўтаринки руҳ билан кутиб олдик.

Ҳозир бизнинг Собир Раҳимов туман ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлимида иш қизғин. Туманимизда 250 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Бу аҳолининг қарийб ярмини, айниқса кўп минг кишилик талабаларни паспорт билан таъминлашимиз лозим. Шунга кўра идораларимизнинг 19 нафар ходими жадал иш юритмоқда. Ходимларимиздан Заҳро Саидаҳмедова, Барно Қирғизбоева, Раъно Алимова, Муҳаббат Ёқубжоновалар фуқаро паспортларини алмаштириш ҳамда уни бехато тўлдириш фаолиятида бошқаларга намуна кўрсатишмоқда.

Мустақиллик мевалари

ИФТИХОР РАМЗИ

Паспорт — ҳар бир фуқаронинг фахр-ифтихори ҳамдир. Шу боис, биз паспортни фуқароларга тантанали равишда топширишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Маҳаллаларда, турар жой даҳаларида, олий ва ўрта махсус мактабларда, коллеж ҳамда гимназияларда паспорт топшириш маросимларини бир умр эсда қолларли тарзда ўтказяпмиз. Бу маросимлар меҳнат фахрийлари, обрў-эътиборли отахон ва онахонлар, олимлар ҳамда фаоллар иштирокида ўтказилиб, паспортнинг қадр-қиммати ёшларимизга тушунтириб борилмоқда. Яқинда ана шундай тантанали маросим Фурқат номидаги истироҳат боғида ва «Туркистон» саройида ўтказилиб, 100 дан ортиқ фуқароларга паспортлар тантанали равишда топширилди.

Албатта, паспортга эга бўлган ҳар бир фуқаро, ҳар бир йигит-қиз уни кўз қорачиғидек асраши, паспорт ҳақидаги низомга риоя қилиши лозим. Чунки ҳар бир фуқаро учун паспорт — ҳақиқий фахр ва ифтихор рамзидир.

Муяссар УМАРАЛИЕВА,
Собир Раҳимов тумани Ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлими бошлиғи, милиция майори.

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

• 15 январь куни «Чорсу» бозорида ҳеч қаерда ишламайдиган кимса кичик калибрли ўқларни отишга мослаштирилган газ тўппончаси (иккита ўқи билан) олиб юрганлиги учун ушланди. Тўппонча мусодара этилди.

• Соат 09 дан 6 дақиқа ўтганда «Себзор» қаҳвахонасининг қандолатчиси ўз уйида ўғли ва ўзи билан бирга яшаб юрадиган кимса билан ўтирганларида ўртада жанжал чиққан. Натижада она-бола безориларча ҳаракатлар билан юқоридаги кишини тоза дўппослашган. Етказилган жароҳатларнинг оғирлигидан жабрланувчи ҳуши ўзига келмасдан жон берди. Қотил онабола ушланди. Тергов ишлари кетмоқда.

• 16 январь куни «Қишлоқ хўжалик техникаси» базаси ҳудудида икки номаълум кимса қўшма корхона ҳайдовчиси ҳисобланмиш Эрон фуқаросига тан жароҳати етказиб, унинг машинасидан «Сони» магнитафонини олиб қўйишган. Тартиб посбонларининг қўлга олиш ғуруҳи томонидан тез орада иш жойининг тайини йўқ кимса ушланиб, магнитафон эгасига қайтарилди. Унинг шеригини қўлга олиш чора-тадбирлари кўрилди.

• 17 январь куни соат 12 да Яккасарой туман ички ишлар бўлимининг қуриқлаш бўлими милиция ходимлари томонидан «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятининг чиқиш жойида қиймати 1660 сўмлик 134 метр сатин матосини олиб чиқиб кетаётган шу корхонанинг уч ишчиси ушланди.

• Олой бозори ҳудудида жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан 600 грамм миқдорда марихуана гиёвандлик моддасини олиб юрган Наманган вилоятида истиқомат қилувчи фуқаро ушланди. Заҳри қотил мусодара этилди. Шу куни текширув чоғида Андижон вилоятилик фуқаронинг ёнидан ҳам 200 грамм марихуана чиқанлиги учун у ҳибсга олинди.

• Соат 12 да «Маҳмуд» жамоа корхонасининг тўқувчилик бўлимидан 9 хил болалар либосларини ўғирлаган «Тошқишлоқмаш» заводининг ишчиси ушланди. Буюмлар корхонага қайтарилди.

• Соат 20 дан 35 дақиқа ўтганида берилган хабарда айтилишича, тунда номаълум кимса «Чорсу» бозори ҳудудида «ГАЗ-53» русумли машинадан колхозчига тегишли бўлган беш тонна унни ўғирлаган. Тартиб посбонлари томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни «Чорсу» бозорининг қоровули ўзининг иккита ҳеч қаерда ишламайдиган ошналари билан амалга оширганлиги аниқланди ва ўғрилар қўлга олинди. Ўнлар эгасига қайтарилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ МАТБУОТ ГУРУҲИ.

Кейинги пайтларда шаҳримизнинг йирик туманларидаги ички ишлар бошқармалари қошида қўшимча милиция бўлимларининг очилиши ҳуқуқ-тартибни муҳофаза қилиш ишларини янада яхшилаш, жиноятчиликни жиловлаш борасида самарали омил бўлмоқда.

СУРАТДА: Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси 1-шаҳар милиция бўлимининг бошлиғи, ички хизмат капитани Мирза Мардиев ҳамкасбларига ўз иш тажрибалари ҳақида сўзлаб бермоқда.

Ажойиб сулолалар

ОТА ИЗИДАН

Баҳор кунларидан бири эди. Хизматдан сал эртароқ қайтган Тоғавой ака рўзғорнинг енгил-елпи ишларига қарашиб, энди қўшнисиникидаги тўйга чиқаман деб турганди. Ҳовли дарвозасидан ўғли жилдни қўлтиқлаганича кириб келди. У отасининг ёнига келиб: «Бугун мактабимизда ҳуқуқ посбонлари билан учрашув бўлиб ўтди. Улар ўз хотираларини гапириб беришди. Сизга ўхшаган амакиларнинг орден, медалларини кўриб уларга ҳавасим келиб кетди. Мен ҳам сизнинг касбингизни танладим», деди.

Тоғавой ака бир пас тўхтаб қолди. Ўғлининг гапларига нима деб жавоб қайтаришини билмади. Тошкент шаҳар милициясининг кекса ходими ўғлига шу топда нима ҳам дерди.

Орадан йиллар ўтди. Бахтиёр ўрта мактабни битиргач хужжатларини Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига топширди. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширгач, уни талабаликка қабул қилишди. Кўз очиб-юмгунча талабалик даври ҳам ортда қолди. Ёш мутахассисни ишлаб тажриба орттириб келиш учун йўлланма билан Қозоғистоннинг Павлодар вилоятига ишга юборишди. Бахтиёр йўқ демади. Бўрига қўникиши керак. Ахир бу касбни ўзи севиб танлаган. Павлодарга келганида изғирин шамол эсиб бетларини чимчилаб оларди. Гўё «Бизнинг шароитларга ҳамманинг ҳам кўникиши қийин йигит, бу ерда чидаганлар ишлайди», деяётгандек. Дарҳақиқат, Бахтиёрга ўзга юртда осон кечмади. Оиласидан, қадрдон ота-онаси, жигарларидан узоқда қолишнинг ўзи бўладими. Буни мусофир бўлганларгина билади, холос.

Терговчилик осон эмас. Ахир бир жиноятнинг ипидан-игнасигача очиб ташлаб, ишни судга оширишнинг ўзи бўлмайди-да. Баъзида бир ишни тугатиш учун ойлар, ҳатто йиллар керак бўлади. Ҳаммаси тинимсиз изланиш ва самарали меҳнатни талаб қилади. Ишга эрта келиб кеч қайтади.

Ташқаридаги кучли шамол аралаш ёғаётган ёмғир хаёлини бузиб юборди. Фикри-зикри Маҳмуд Самадов ишини очиш билан банд. Маҳмуд барча айбни бўйнига олиб шерикларини жазодан қуруқ қолдиришга уринарди. Тўғри, жиноятга ўзи ҳам сабабчи. Лекин устаси фаранглар ёш йигитнинг бошини айлантириб уни жиноят қилишга ундаган. Нима қилиб бўлса ҳам давлатнинг катта миқдордаги мулки ўзлаштирилган.

Ерталаб хонасига Маҳмуднинг ҳассага суянган 75 ёшли отаси кириб келди. Уйдаги-рўзғордаги топармон-тутармон фақат шу ўғли эканлигини айтиб кўнглини ёзди:

— Ўғлим қилмишига яраша жазосини олсин. Лекин уни жиноятга ундаганлар ҳам қуруқ қолмасликлари керак,— деди нуроний.

Бахтиёр куни билан шуларни ўйлайвериб боши қотди. Нима бўланда ҳам Маҳмуд жиноят қилган. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор. У барча айбларни бўйнига олиб бошқаларни сувдан қуруқ чиқармоқчи. Улар эса бугун жазо олмасалар, эртага яна жиноятга қўл уришлари муқаррар. Йўқ, ишни бундай ёпиб бўлмайди.

Маҳмуд Самадов иши билан боғлиқ йиғма жилд материалларини кўриб вақтнинг алламаҳал бўлганини ҳам сезмабди. Уйига келди. Хонасига кираяпти-ю бутун вужуди бугунги чол билан бўлиб ўтган суҳбатда: «Боламнинг бир ўзи жиноят қилмаган...» Чироқни секингина ёқди. Хотини, болалари донг қотиб ухлашмоқда.

Ташқарига чиқиб, ҳовлида бир пас самодаги саноқсиз сочилиб ётган юлдузларга қараб ўтирди. Шу дамда осмондаги юлдузлар қатига учиб кетгиси келди. Уйга кириб ўрнига ётди-ю кўзларига уйқу илинмади. Тезроқ шу ишни тугатсаю, мириқиб дам олса...

Бахтиёр ҳар бир ишни қийналиб-қийналиб охирига етказади. Ишни шошилмасдан, синчковлик билан олиб боради.

— Бизнинг ишда ҳатто майда хатоларга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир йиғма жилднинг ортида инсон ҳаёти, келажаги турибди,— дейди у.

Бахтиёр Эркаев ички ишлардаги фаолиятини юқорида айтиб ўтганимиздек Павлодар шаҳрида бошлаганди. Маълум муддатдан сўнг Тошкентга қайтиб келди. Аввал Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Миробод туманидаги ахлоқ тузатиш бўлимида катта нозир, кейинчалик 1989 йилдан Ҳамза тумани ички ишлар бўлимида терговчи бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Бахтиёр бир неча шогирдларга устоз бўлишга ҳам улгурди. Кечагина ўзи ҳам шогирд эди. Ишни ўрганишда унга Михаил Рубинов, Норқул Тоштемиров, Боқивой ака Хўжаев каби ўз соҳасининг билимдонлари кўп йўл-йўриқлар кўрсатишган. Вақтида унга ўргатишди. Энди ўз навбатида улардан ўрганган ва ўз тажрибасини Бахтиёр ҳам ёшларга ўргатмоқда.

— Ишга эрта келиб кеч кетасиз. Қолаверса терговчилик осон касб эмас. Бошқа касбнинг бошини ушласангиз бўларди-ку,— деймиз унга қараб.

— Йўқ. Бошқа касбни мен севолмадим. Ахир оилада кимдир ҳам ота изини босиши керак-ку. Отам ҳам кўп йиллар ички ишлар идораларида ишлаб келганлар. Қайнотам Абдужалил Раҳимов ҳам ички ишлар ходими. Ҳозир истеъфода.

— Демак, турмуш ўртоғингиз учун сизнинг ишга эрта кетиб кеч келишингиз янгилик эмас экан-да.

— Ҳа, ўрганиб қолган. Рўзғорнинг ташвиши, болаларнинг тарбиясига мендан ҳам рафиқамнинг кўпроқ ҳиссаси тўғри келади.

— Бўш пайтингизда кўпроқ нима билан шуғулланасиз?

— Қўлим бўшади дегунча уй ишларига ёрдам бераман. Бадиий китоб ўқийман.

— Қайси ижодкорнинг асарларини яхши кўрасиз?

— Шарқ мумтоз адибларидан Умар Ҳайёмни ва детектив-изқуварларни қизиқиб ўқийман.

Милиция майори Бахтиёр Эркаевич Тоғаевнинг ички ишлар идораларида ишлаётганига ўн бир йил тўлди. Унинг ҳаётида 1994 йил алоҳида эслаб юрадиган тарихий йил бўлиб қолса ажаб эмас, ўша йилнинг 8 сентябрида Эркаевлар оиласида учта ўғил — Ҳасан, Ҳусан, Тоҳиржонлар дунёга келди.

Биз кичкинагина лавҳамиз орқали катта нозир, милиция майори Бахтиёр Эркаевнинг бутун ҳаётини қоғозга тушириш имконига эга эмасмиз. Ота касбини давом эттираётган бу йигитга келгуси ишларига муваффақият тилаб қоламиз. От изини той босар, деганларидек, балки у кишининг фарзандлари ҳам оилавий сулола анъаналарини давом эттиришар.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

Кишиларнинг тинч ва бехавотир яшашларини таъминлашда ҳамда жамоат тартибини сақлашда милиция ходимларидек ўз жонини гаровга қўйиб ишлаётганлар кам бўлса керак.

Юнусобод тумани ички ишлар бошқармасида фаолият кўрсатаётган ҳудуд катта нозири, милиция катта лейтенанти Илҳомжон Иброҳимов ҳам пойтахтимиз осойишталигини таъминлашда бошқа касбдошларига ўрнак бўлаётган посбонлардан биридир. Унинг милиция соҳасида ишлаётганига 15 йилдан ошиб кетди. Мана шу давр мобайнида у намунали фаолияти учун раҳбарият томонидан бир қанча ташаккурномалар олиб, жамиятимиз учун хавфли бўлган кўпгина жиноятларни очишга муваффақ бўлди.

СУРАТДА: ҳудуд катта нозири Илҳомжон Иброҳимов (чапдан биринчи) пойтахт ИИББнинг патруль-пост хизмати тартиб посбонлари Бахтиёр Жабатов ва Ғайрат Нишоновлар билан қилинажак ишлар тўғрисида келишиб олмоқда.

Козим Ўлмасов олган сурат.

Шифобахш неъматлар

БЕЛГА ҚУВВАТ, ЙЎТАЛГА ДАВО

Турп бутгуллилар оиласига мансуб бўлган, икки йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, шохланган бўлади. Поянинг пастдаги барглари патсимон қирқилган, юқоридагиси бутун, чўзиқ. Гули пушти, оқ, сарғиш бўлади. Меваси эса қўзоқ.

Турп сабзавот сифатида қўлланиши билан бирга халқ табобатида ҳам қўлланилади. Чунки турпнинг шифоли хосиятлари талайгина. Турп таркибида дармондорилар С, В1, В2, В6, РР, қанд, оқсил, фитонцид, ферментлар, эфир мойи, минерал тузлар, клетчатка, холин, лизоцим моддалари жо бўлган.

Халқ табобатида асосан илдиз меваси ишлатилади. У бўғин оғриқларига яхши таъсир кўрсатади. Барги кўзни равшан қилади. Турпнинг қайнатилгани эски йўталга, кўкрак шамоллашига, томоқ оғриғига шифо бўлади. Эмизикли оналарда сутни кўпайтиради. Барги ва баргининг суви жигар тиқилмаларини очади. Уруғидан олинган шира ва мой қулоқ шанғиллашини қолдиради. Ичаклар фаолиятига самарали таъсир қилиб, танадаги ортиқча холестеринни чиқариб ташлаш хосияти бор. Бу билан кишилардаги паришонхотирликнинг олдини олади. Даволашда унинг шарбати қўлланади. Бунинг учун илдиз мева кавак қилиб ўйилади ва унга қанд ёки асал тўлдирилади. Чамаси 5 соатдан сўнг шарбат тайёр бўлади. Ўт (сафро) ажралишида фойда қилгани учун холецистит хасталигида яхши наф беради. Жигар циррози ва шамоллашида малҳам бўлади. У пешоб ҳайдовчи, балғам кўчирувчи сифатида тавсия этилади. Турп, лавлаги, сабзи шарбатлари аралашмаси камқонликда ишлатилади. Уруғи микробларга қарши ишлатилади. Шу боис уруғини обдон сув билан аралаштирилади ва қийин битаётган чиркин яраларга қўйилади, пировардида яралар битиши тезлашади.

Турпни таомдан сўнг истеъмол қилиш керак. У овқат ҳазмини яхшилайди. Уни меъда-ичак яраси бор, меъда ширасининг кислоталиги ошган беморлар, энтерит, юрак касалликларига дучор бўлган кишиларга тавсия этилмайди.

Турп борасида Бобур шоҳнинг табиби Юсуфий шундай ёзган:

Турп есанг, йўталга яхши даводир.
Сийдик равон бўлар, кўз эса равшан.
Белга кучу қувват ато қилади.
Мум бўлсанг, гўёки бўлурсан оҳан.

Турп илон чаққанга фойда қилади. Турп еган кишини чаён чақса, зарар қилмайди.

Энди икки оғиз сўз қора турп ҳақида. Бу қора турпни ҳар ким билмаса керак. Қора турп кам экилади, ваҳоланки, унинг шифоли хосиятлари талайгина. Қора турп таркиби калий тузларига жуда бой. Бу билан сабзавотлар орасида биринчи ўринда туради. Қора турп ўпка силида, қандли диабетда тавсия этилади. Қора турп оғриқ қолдирувчи, ўт (сафро) ва пешоб ҳайдовчи таъсирига эга. Қора турп бод, миозит, невралгия каби хасталикларда қўлланилади. Бунда қора турп ширасы оғриқ жойларга суртилади. Хантал кукуни билан аралашмаси яхши наф келтиради.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги маҳкамасининг жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси вазирлик маҳкамасининг масъул ходими Д.А. Убайдуллаевага волидаи муҳтарамалари Тожиниса БОБОЖОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент «Озиқ-овқат» акционерлик улгуржи-чакана савдо бирлашмасининг жамоаси «Улуғбек» жамоа корхонасининг раиси Ҳусниддин Султоновга укаси Улуғбек СУЛТОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми
Мулкдор: Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича~ 56-54-68, 32-56-66.
Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.
"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма -Г-0009 •Босмага бериш вақти 11.30.
1 2 3 4 5 6.